

ЗЎРАКИ БОЙ

Охирги вақтларда биз — туркистонлилар тижорат, хатто, зироат ва дўкандорлик ишларинда на учун синармиз, яъни ифлос этармиз. Мунинг энг биринчи сабаби илмсизлик, тўгриси аклсизлигимиздур. Оре, билиб туруб ўз зарарини килмок аклсизликдур.

Чунончи, «Зўраки бой» жанобларини ўн минг сўмлик мероси, бог ва хонаси бор эди. Бу одам агарда боғини яхши ишлатса, мувофиқи шариат ва инсоф тириклик килса, исрофгарлик этмаса, тўй ва азо деб ўзини барбод этмаса, албатта ортдурарди. Бу одам ўзидек ва хатто, ўзидан оз нимарсалик кишиларни кўрарга ўгул тўйига икки-уч минг сўм сарф этар. Ўглига хотун олиб берса яна бир, икки, уч минг сўм сарф этар. Бир ўлук кўмса, беш-олти юз сўм харж этар. Хатто, олти ойлик баласини сочини олганда ва ё олти кунлик баласини бешикга боғлаганда бир-икки юз сўм сарф этар. Фотиҳа, чанлади

[\[1\]](#)

, дубора-талабон, калутапўшон

[\[2\]](#)

, мўйлабгирон... ва бошқаларини нари кўйдук, хулоса, бечора ўн минг сўмлик мулкдор карайдурки, иш бўлмайдур. Ўгул ва кизлар катта бўлуб турубдур. Тўй лозим, хатна, никоҳ, унинг оркасидан кети узулмас бир сурук маърака ва коидалар лозим. Кўбдан чикиб бўлмайдур. Бечора одам ўйлавга тушар. Тўй килмок учун бир-икки таноб богдан ва ердан сотса, кўзи киймайдур. Тўй килмаса, бўлмайдур.

Бас, ноилож ўйлаб-ўйлаб, дўкандорлик, яъни баззозлик ва чойфурушлик ва ё бошқасини килмокчи бўлуб дўкон очар. Бонкалардан кредит (эътабар) очар. Ўн минг сўмлик меросий мулки бор экан, беш бонкадан уч минг сўмдан 15 минг сўм карз олур. Чой, кизил мол, газвор, чиннивор, канап-чарчинвор, хуллас, хар навъ кантур ва фермалардан ҳам бир-икки йилга етмасдан бир ўн беш минг сўм урар. Бир вақт кўрарсан 30 минг сўм ишлатгучи киб-кизил бир катта бой. Ўзини муфт дехконлиги ила рўзгор килур экан, бир минг сўмни бутун умрига синамаган 30 минг сўмлик мол ичинда кўмганини кўруб, бизни дехконбойни аввалги торгина акли ҳам учди-кетди. Кавму кариндошдан вексел олиб бонкага кўяр. Сасиб ётган ва аларни сўзинча, эгасиз фабрикант молини тўгри келган кишига нася берар. Бир тарафдан яхши от ва аробаларга хаваси кетар. Экипаж файтунлар ва маскав отлари олинур. Дигар тарафдан, ховлига замона одами ўлтуратургон иморатлар килинур. Усти темур, ости тахта, девори рангоранг шишакори шаҳнишинлар, бир неча мехмонхоналар ва онда замона асбоблари олинур. Бу иморатларни ва дастгоҳни одамларга кўрсатмок учун зиёфатлар, базмлар керак. Ферма ва бонкаларни мудир ва аъзоларини-да алафранг

шам-панскилик зиёфатлар килмок керак.

«Зўраки бой» жанобларини(нг) хотун ва ўгли хам мундан ранг олиб, исрофга юз кўяр. Чунки Худо берган давлат каердан келиб, каерга кетар? Зўраки бойни ўзи хам билмас. Бир вақт тўй навбати етти. Энди терламокни замони келди. Машваратлар, прўграмлар тузалур. Хўканд, Андижон, Туркистон ва Тошканддан бошлаб, Марв, Бухоро, Карки ва Афғонистон худудинча шухратлик бойлар ва кўрмаган ошнолар рўйхат бўлур. Ол-а... Мунча одамга хат ёзмок мушкул. Босмахонада зархаллик хатлар сипориш берилур. Ёддан чикғони тилгиром ила таклиф килинур. Хивадан, Фарғона ва Бухородан машхур жувон ва, мутриб ва хонандалар чакирилур. Базмда фирмаларнинг мудир ва бонкаларнинг мубошири, хатто, ражולי ҳукумат таклиф килинур. У кадар исроф, у кадар беҳуда масориф бўлурки, ҳисоби сингандан сўнгра маълум бўлур. Бу тўйни базми, жувони, кўбкариси, фашанги, инъоми у кадар кўб, у кадар кизик бўлдики, мунга ўхшаган бошка бир зўраки бой хам ўзини анга ўхшатмок, балки ўткармок учун ўзини жардан ташламокга хозирланур. Яъни мундан зиёда этмокчидур. Биз аввалги зўраки бойнинг тўйи сўзини тамом килган йўк эдук, бойга яна бир никоҳ тўйи воқеъ бўлди, яъни жаноблари ёш хотун олдилар. Табиий, эллик-олтмиш яшарга 15 яшарни икки-уч минг сўм масорифсиз берилмайдур.

Сўзни киска килайлук. Бир вақт эшитилур, зўраки бой; бонкага пул еткуролмайдурлар. Имонсиз сарроф хам така-так шилдирни билиб, пул бермайдур. Иш «праваучўт»га колди. Бир неча вақт сўнгра яна эшитилурки, векселлар «пратест» бўлди. Ўн минг сўмлик мулк ила дўкондаги беш-олти минг сўмлик мол хажз (арест)га олинди. Ҳисоб килиб кўрулса, билинурки, 30 минг сўм қарз майдонда. Отадан колган мулк ила тўрт-беш минг сўмлик ароба галтак оту тек дўкон мол энди нима бўлур дерсиз? Олти ой бир йилгача аввалги мулклар судга сотилиб, бечора зўраки бой ахлу аёли ила дарбадар колур. Чунки акалли мартаба синган яҳудийдан ибрат олиб, биргина хавлисини хам хотуни отига ўткармаган эди. Инолло ло юхиббул мусрифин. Яъни Аллоҳ таоло исроф килгувчиларни дўст тутмайдур. Зероки, бой жанобларини таржимаи ҳолидан «Ойна»да кўб кўрунгон эди, аммо қискартиб ёзилди. Балки бақияси бўлур.

«Ойна» журнали, 1914 йил, 16-сон, 270—273-бетлар.